XALQ DEPUTATLARI NAVOIY VILOYATI KENGASHI
Q A R O R I

210100, Navoiy sh., IslomKarimovsh.k 77 A, tel: (79) 229-62-80, e-mail: navoi@exat.uz, info@navoi.uz

2022 - yil 4 - fevral VI-30-12-5-0-K/22 Navoiy viloyat hokimligi

Навоий вилоятида 2022 йил учун юридик шахсларнинг мол-мулк солиғини ҳисоблашда белгиланадиган минимал миқдорга нисбатан қўлланиладиган камайтирувчи коэффициентлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни 24-моддасига, Солиқ кодекси 412-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 24 январдаги 06/04-02-02-32/203-сонли ва вилоят давлат солиқ бошқармасининг 2022 йил 1 февралдаги 19/10-04442-сонли хатларини инобатга олиб, халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи А.Ботиралиевнинг Навоий вилоятида 2022 йилда юридик шахслар учун мол-мулк солиғини ҳисоблашда кўчмас мулклар учун белгиланадиган минимал миқдорга нисбатан қўлланиладиган коэффициентларни белгилаш тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туманларнинг иқтисодий салоҳияти ва ривожланишига қараб, 2022 йил вилоятда юридик шахслар учун мол-мулк солиғини ҳисоблашда кўчмас мулкларга 1 кв. метр учун белгиланадиган минимал миқдорга нисбатан қўлланиладиган камайтирувчи коэффициентлар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, мол-мулк солиғини ҳисоблашда кўчмас мулкларга 1 кв. метр учун белгиланадиган минимал миқдорга нисбатан қўлланиладиган камайтирувчи коэффициентлар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 8 июлдаги 2019-45-сон қарори билан тасдиқланган "Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисида"ги низом (Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 12 июлдаги 3172-сон билан рўйхатга олинган)га асосан йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахсларга

татбиқ этилмайди.

4. Вилоят давлат солиқ бошқармаси (А.Ботиралиев) ушбу қарор билан тасдиқланган Навоий вилояти бўйича юридик шахслар учун мол-мулк солиғини ҳисоблашда кўчмас мулкларга 1 кв. метр учун белгиланадиган минимал миқдорлар тўғрисидаги маълумотларни солиқ тўловчиларга етказиш бўйича тегишли чораларни кўрсин ҳамда тарғибот тадбирларини амалга оширсин.

5. Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг 2021 йил 31 декабрдаги “Навоий вилоятининг 2022 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги VI-29-65-5-0-К/21-сонли қарорининг 8-иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарор “Дўстлик байроғи” ва “Знамя дружбы” газеталарида расман эълон қилинсин ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилсин.

7. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари в.б. (Т.Атамуродов) ва халқ депутатлари вилоят Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Т.Ўринов) зиммасига юклатилсин.

8. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Сессияда раислик қилувчи **Ж. Ҳамраев**

Халқ депутатлари Навоий вилоят
Кенгашининг
2022 йил 4 февралдаги
VI-30-12-5-0-K/22-сон қарорига
1-илова

2022 йил вилоятда юридик шахслар (Йирик солиқ тўловчилардан ташқари) учун мол-мулк солиғини ҳисоблашда кўчмас мулкларга 1 кв. метр учун белгиланадиган минимал миқдорга нисбатан қўлланиладиган камайтирувчи коэффициентлар

сўмда

Т/р	Ҳудуд номи	2022 йил учун белгиланган коэффициентлар		
		Юридик шахсларнинг бино ва иншоотларининг 1 кв.м учун мутлоқ миқдор	Қўлланиладиган камайтирувчи коэффициентлар	Юридик шахсларнинг бино ва иншоотларининг 1 кв.м учун мутлоқ миқдор
1	Учқудуқ тумани	1 000 000,0	0,5	500 000,0
2	Конимех тумани	1 000 000,0	0,5	500 000,0
3	Қизилтепа тумани	1 000 000,0	1,0	1 000 000,0
4	Томди тумани	1 000 000,0	0,5	500 000,0
5	Навбаҳор тумани	1 000 000,0	0,9	900 000,0
6	Хатирчи тумани	1 000 000,0	0,8	800 000,0
7	Нурота тумани	1 000 000,0	0,9	900 000,0
8	Кармана тумани	1 000 000,0	1,0	1 000 000,0